

## Шартномавий вакилликнинг бир тури сифатида адвокатнинг фуқаролик процессидаги профессионал фаолияти

Камолиддин Абдусаминович Исмоилов  
ismoilov.k86@mail.ru  
Судьялар олий мактаби

**Аннотация:** Мазкур мақолада фуқаролик процессида шартномавий вакилликнинг бир тури сифатида адвокатнинг профессионал фаолияти таҳлил этилади. Фуқаролик суд ишларини юритишда вакил сифатида адвокатнинг ролини ва аҳамияти кўриб чиқилади. Шунингдек, тарафлар ва учинчи шахслар томонидан жалб қилинган шартнома бўйича (ихтиёрий) вакилнинг фаолияти ўрганилган. Адвокатнинг касб этикаси қоидаларига алоҳида тўхталиб ўтилган. Бундан ташқари, бугунги кунда адвокатга ўз фаолиятини олиб боришда учраётган тўсиқлар (муаммоли вазиятлар) кўрсатиб ўтилган ва ушбу институтни янада такомиллаштириш учун бир қатор ҳуқуқий ечимлар таклиф этилган.

**Калит сўзлар:** адвокат, шартномавий вакил, юридик ёрдам, ҳимоя остидаги шахс, фуқаролик процесси, адвокатнинг мақоми.

## Professional activities of a lawyer in the civil process as a type of contractual representation

Kamoliddin Abdusaminovich Ismoilov  
ismoilov.k86@mail.ru  
High School of Judges

**Abstract:** This article analyzes the professional activity of a lawyer in a civil process as a type of contractual representation. The role and significance of a lawyer as a representative in civil proceedings is discussed. And also the activities of (voluntary) representative under an agreement involved by the parties and third parties are investigated. Particular attention is paid to the rules of the professional ethics of a lawyer. In addition, a barrier (problematic situations) that a lawyer is faced in the implementation of his activities is indicated, and some legal decisions are proposed to further improve this institution.

**Keywords:** lawyer, contractual representative, legal assistance, person under the protection, civil proceedings, status of lawyer.

Мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинди.

Кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида «Ҳаракатлар стратегиясидан - Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан етита устувор йўналишдан иборат 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид давлат дастури ишлаб чиқилди. Ушбу устувор йўналишлардан бири сифатида мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш бўлиб, адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар доирасида 2022 йилда ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга жинойт ишлари билан бир қаторда фуқаролик ва маъмурий ишлар бўйича ҳам давлат ҳисобидан бепул юридик ёрдам кўрсатиш тартиби жорий этиш белгиланди.

Албатта сифатли бепул юридик ёрдам олиш учун адвокатлар жалб қилинади ва бу мақсадга мувофиқ ҳамдир. Фуқаролик ишлар бўйича давлат ҳисобидан бепул юридик ёрдам кўрсатиш тартиби жорий этилиши олдида фуқаролик процессида шартномавий вакилликнинг бир тури сифатида адвокатнинг фуқаролик процессидаги профессионал фаолиятига бир назар ташласак.

Одил судловни муҳим шарти бўлган томонлар тенглиги принципини тўлиқ ишлатиш учун адвокатура соҳасида ҳам ислоҳот қилиш алоҳида ўрин тутади. Халқаро тажрибага назар ташлайдиган бўлсак, адвокат энг нуфузли, обрўли ва ишончли касб эгаси ҳисобланади. Миллий қонунчилигимизда ҳам адвокатларнинг самарали фаолият юритиши учун барча етарли асослар яратилган бўлса-да, амалиётда бу нормалар мутлақо ишламаётганини афсус билан қайд этишимиз лозим<sup>1</sup>.

Тараққий этган демократик жамиятда адвокатга мурожаат қилмаган фуқаро камдан-кам топилади ва бу табиий ҳолдир. Чунки, ҳар қандай жамиятда яшаётган инсон хилма-хил муносабатларга киришади, фаолият юритади, шу аснода у ёки бу муносабат-ҳамкорлик жараёнида тушунмовчилик, келишмовчилик ва зиддият келиб чиқиши эҳтимолдан холи эмас. Мана шундай шароитда фуқаро, биринчи навбатда, адвокатга мурожаат қилади. Адвокат эса ўзига хос “тез ёрдам” вазифасини ўтайди. Зеро, малакали адвокат чигал вазиятларга ойдинлик киритилишида кўмак беради, ғайриқонуний хатти-

<sup>1</sup> [lex.uz/docs/5841063](http://lex.uz/docs/5841063)

ҳаракатлардан фуқарони ҳимоя қилади, вазиятнинг кескинлашувига йўл қўймайди.

Мамлақатимизда сўнги йиллардаги суд-ҳуқуқ ислохотлари адвокатлик фаолиятининг ҳам такомиллашувига тўртки бериши, фуқаролик суд ишларини юритишда вакил сифатида адвокатнинг ролини ва аҳамиятини тобора ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Бошқа бир томондан вужудга келаётган янги ижтимоий муносабатлар ва уларнинг қонунчилик нормалари асосида ҳал этиш муаммоларининг ўз ечимига эга эмаслиги, ечими бўлсада ҳуқуқий жиҳатдан мураккаблиги ҳам малакали юридик ёрдамга бўлган талабни вужудга келтирмоқда. Шунинг учун ҳам фуқаролик процессида ҳуқуқшунослик соҳасида махсус билимга эга бўлган шахсларнинг, хусусан адвокатларнинг вакил сифатида иштирок этишлари муҳим аҳамият касб этади.

Агар вакилни жараёнга қабул қилиш (киритиш) учун асос вакилликни турларга ажратиш мезони сифатида қаралса, шартномавий вакил учун бундай асос шартнома эмас, балки ишни юритиш учун тўғри бажарилган ваколатларнинг мавжудлиги ҳисобланади. Шартнома вакилининг ваколатлари эса ҳар доим ҳам ишончнома билан тасдиқланмайди<sup>1</sup>.

Маълумки, фуқаролик процессуал қонунчилик суд ишларини юритишда шартнома бўйича (ихтиёрий) вакил сифатида адвокатлар, биргаликда иштирок этувчилардан бирининг топшириғи бўйича бошқа иштирокчилар билан бир қаторда тарафлар, учинчи шахслар томонидан танланган шахсларни ҳам назарда тутар эди. Бироқ, таҳлиллар шуни кўрсатдики, судда шартнома бўйича (ихтиёрий) вакил сифатида тарафлар, учинчи шахслар томонидан танланган шахсларнинг, хусусан олий юридик маълумотга, яъни ҳуқуқшунослик соҳасида махсус билим ва кўникмаларга ёки юридик ёрдам кўрсатиш учун лицензияга эга бўлмаган шахсларнинг иштирок этиши фуқароларнинг муҳим конституциявий ҳуқуқи бўлмиш - суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини амалда таъминланмасдан қолишига олиб келди<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини амалга оширилишини таъминлайди, жамиятда адвокатура институтининг тутган ўрни ва нуфузини оширади, қолаверса, судлар

<sup>1</sup> Казиханова С.С. Представительство по назначению суда в гражданском судопроизводстве. Диссертации по на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – С.28.

<sup>2</sup> Мамасиддиков М.М. Фуқаролик суд ишларини юритишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари. Монография. Масъул муҳаррир ю.ф.н. Ф.Э.Мухамедов. - Тошкент: АҚҚМИ, 2013. 68-бет.

фаолиятига турли хил аралашувларнинг олдини олиб, ноҳолис муносабатларга чек қўяди<sup>1</sup>.

Шартномавий вакиллик сифатида адвокатлик фаолиятини таҳлил қиладиган бўлсак, ушбу фаолиятга профессионал фаолият сифатида баҳо беришимиз мумкин. Зеро Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал қонунчилигида ҳам бу ўз ифодасини топган.

Бунга бир қанча сабаблар билан изоҳ беришимиз мумкин:

Биринчидан, адвокатнинг мақоми билан боғлиқ сабабини келтиришимиз мумкин. Адвокат вакиллик фаолияти билан шуғулланар экан унинг ушбу фаолият билан шуғулланиши учун “олий юридик маълумотга эга бўлган ва адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни белгиланган тартибда олган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси” бўлмоғи лозим;

Иккинчидан, адвокат ўз профессионал фаолиятида амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига, Адвокатнинг касб этикаси қоидаларига, адвокатлик сири ва адвокат қасамёдига риоя этиши, ўзига юридик ёрдам сўраб мурожаат этган жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонунда назарда тутилган воситалари ҳамда усулларидан фойдаланиши шарт;

Учинчидан, адвокат давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга мазкур органлар ҳамда ташкилотларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан адвокат томонидан малакали юридик ёрдам кўрсатилиши учун зарур бўлган маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатларни тақдим этиш масалалари юзасидан адвокат сўровини юборишга ҳақли<sup>2</sup>.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, сўнги йиллардаги адвокатура соҳасидаги олиб борилган ислохотлар туфайли адвокат сўровига ахборотни (ҳужжатларни) тақдим этмаслик, ўз вақтида тақдим этмаслик ёхуд била туриб ёлғон ёки нотўғри ахборот (ҳужжатлар) тақдим этганлик қонунга мувофиқ жавобгарлик (маъмурий жавобгарлик)ка сабаб бўлишининг киритилиши адвокатнинг профессионал фаолиятини амалга оширишга хизмат қиладиган бир омил бўлиб хизмат қилди.

Тўртинчидан, адвокатлик фаолияти адвокат ва ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) ўртасида тузиладиган юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома) асосида амалга оширилади. Ушбу шартномада тараф ҳам адвокат ҳам ўз зиммаларига процессуал ҳуқуқлар билан биргаликда

<sup>1</sup> Мамасиддиков М.М. Фуқаролик суд ишларини юритишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари Монография. Масъул муҳаррир ю.ф.н. Ф.Э.Мухамедов. - Тошкент: АҚҚМИ, 2013. 70-бет

<sup>2</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03/19/542/3177-сон, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон.

мажбуриятларни ҳам олади ва иккиси ҳам шу шартнома доирасидан четга чикмай ўз мажбуриятларини бажаради. Ушбу ҳолат бошқа ихтиёрий вакиллик турларидан фарқ қиладиган асосий мезон саналади ва қонун нормалари асосида тартибга солинади.

Бешинчидан, адвокатура тўғрисидаги қонунда адвокатнинг вазифаларидан бири сифатида унинг “ўз билимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, Адвокатлар палатаси томонидан белгиланган тартибда уч йилда камида бир марта касбий малакасини ошириши шарт”лиги кўрсатилган. Ушбу норма адвокатнинг доимий равишда ўз фаолиятининг асосий қисмини ташкил этувчи қонунчилик нормалари билан муттасил танишиб боришни, янгиликларини ўзлаштиришни ва амалиётга тадбиқ этишни шарт қилувчи норма саналади. Бу эса ўз навбатида адвокатнинг фаолиятини профессионаллаштиришга олиб келадиган яна бир омил бўлиб хизмат қиладди.

Олтинчидан, адвокатнинг касбга оид ҳуқуқлари, шаъни ва кадр-қимматининг қонун билан қўриқланиши, адвокатларнинг касбий фаолиятига у ёки бу тарзда бевосита ёки билвосита аралаштириш, улар ўз касбий вазифаларини бажараётганда олган муайян маълумотларни ошкор этишни талаб қилиш, шунингдек адвокатлар бирлашмаларининг мансабдор шахсларидан ва техник ходимларидан худди шундай маълумотларни талаб қилишнинг тақиқланиши, адвокат ўз касбий вазифаларини бажараётганида унга бирор-бир шаклда таъсир ўтказишга йўл қўйилмаслиги ҳам фаолиятининг кафолати саналади.

Ушбу юқорида санаб ўтган омилларимиз адвокатлик фаолиятининг бошқа вакиллик фаолиятларига таққослаганда профессионал фаолият сифатида баҳоланишига олиб келади. Лекин адвокатлик фаолияти соҳасида бир қанча долзарб муаммолар сақланиб қолмоқдаки улар профессионал фаолиятга ўз салбий таъсирини ўтказмасдан қолмаябди.

Биринчи муаммо бу уларнинг аҳоли сонига нисбатан ўсиш тенденциясининг пастлигидир. Бунинг натижасида аҳолининг мурожаат қила оладиган адвокатларнинг сони камайиб, ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга талабни оширмоқда. “Республикада 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра 1660 та адвокатлик тузилмалари, шу жумладан, 71 та адвокатлик ҳайъатлари, 435 та адвокатлик фирмалари ва 1154 та адвокатлик бюrolари фаолият юритмоқда. Сўнгги 12 йилдаги адвокатлар сонининг ўзгариш динамикаси аҳоли умумий сонининг кўпайиши билан адвокатлар сонининг камайиши тенденциясидан далолат бермоқда. Шунингдек, адвокатларнинг асосий қисми, 50 фоиздан ортиғи 50 ёшдан катта шахслар. Оддий қилиб айтганда, Республикада адвокатлик касби ҳали хануз етарли даражада жозибадор эмас”<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Алтиев Р. Янги қонун ҳужжати адвокатура соҳасини қанчалик ўзгартиради? 2020 йил 17 апрель. <http://hudud24.uz/advokatura-sohasi>

Иккинчи муаммо “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунининг 3<sup>1</sup>-моддасидаги “Лицензия олиш учун адвокат мақомига эга бўлишга талабгор шахс юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлиши”<sup>1</sup> тўғрисидаги норма ҳам қайсидир маънода адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш учун тўсиқ бўлмоқда. Чунки, юридик таълим муассасини тамомлаган мутахассис тўғри адвокатлик фаолияти билан шуғулланиши учун ушбу иш стажига талаб этилиши уларни бу касбни танлиши шуғулланишида тўсиқ бўлмоқда.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 66-бандида “Адвокатлик лицензиясини олиш учун юридик мутахассислик бўйича иш стажига оид талабни бекор қилиш, олий юридик маълумотли шахсларга 3 ойлик стажировкадан кейин адвокатлик имтиҳонини топшириш имкониятини яратиш ҳамда стажировка ўтамасдан адвокатлик лицензиясини олиш учун имтиҳон топширишга рухсат берилган шахслар тоифасини кенгайтириш, олий юридик таълим муассасаларининг бакалавр йўналишида таҳсил олаётган битирувчи курс талабаларига ўқишдан бўш вақтда адвокат ёрдамчиси сифатида ишлаш ҳуқуқини бериш” каби муҳим устувор йўналишлар, мақсад ва вазифаларни белгиланиши ҳам адвокатура соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришни тақозо этади.

Шартномавий вакилликнинг бир тури сифатида адвокатнинг фуқаролик процессидаги профессионал фаолияти ҳақида фикр юритар эканмиз, ушбу институтни такомиллаштириш орқали фуқаролик процессида ишонч билдирувчи фуқароларнинг манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишига, одил судловни ва вакилнинг кафолатларини кучайтиришга эришиш мумкин.

Шартномавий вакилликнинг бир тури сифатида адвокатнинг фуқаролик процессидаги профессионал фаолияти ҳақида оз бўлсада фикрларимизни баён қилдик, лекин юқоридаги фикримизни давом эттирадиган бўлсак, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга жиноят ишлари билан бир қаторда фуқаролик ва маъмурий ишлар бўйича ҳам давлат ҳисобидан бепул юридик ёрдам кўрсатиш тартиби жорий этилиши билан бир пайтда Ўзбекистон Республикаси ФПКга адвокат иштирок этиши шарт бўлган ишлар тоифасини киритиб, бунга ҳуқуқий тус берсак яна ҳам мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу борада хорижий давлатлар қонунчилигига эътибор қаратсак, Германия Федератив Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 4-боби, 78-параграфида процессда адвокат тарафнинг вакили сифатида мажбурий иштирок этиши белгиланган. Унга кўра,

<sup>1</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03/19/542/3177-сон, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон.

ландгерихтах ва бошқа юқори турувчи инстанция судларида тарафлар адвокат орқали иштирок этади, судда фаолият олиб бориш, ишни юргизиш ва тарафларни таништириш ваколати адвокат орқали амалга оширилади. Оилавий ишларда тарафлар ва ишда иштирок шахслар судда ишда иштирок эта оладиган адвокатлар орқали таништирилади<sup>1</sup>. Шунингдек, Россия Федерацияси Фуқаролик процессуал кодексининг 50-моддасида, Озарбайжон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 67-моддасида адвокат иштирок этиши шарт бўлган фуқаролик ишлари мустаҳкамлаб қўйилган<sup>2</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фуқаролик ишларида адвокат иштирокининг самарадорлигини ошириш, ишда иштирок этувчи шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатилишини таъминлаш мақсадида фуқаролик ишларида шартнома бўйича вакил сифатида адвокат иштирок этиши шарт бўлган ишлар рўйхатини фуқаролик процессуал қонунчилигида мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

Казиханова С.С. Представительство по назначению суда в гражданском судопроизводстве. Диссертации по на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – С.28.

Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик суд ишларини юритишнинг ҳукукий асосларини такомиллаштириш масалалари. Монография. Масъул муҳаррир ю.ф.н. Ф.Э.Мухамедов. - Тошкент: АҚҚМИ, 2013. 68-бет.

Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик суд ишларини юритишнинг ҳукукий асосларини такомиллаштириш масалалари Монография. Масъул муҳаррир ю.ф.н. Ф.Э.Мухамедов. - Тошкент: АҚҚМИ, 2013. 70-бет

Алтиев Р. Янги қонун ҳужжати адвокатура соҳасини қанчалик ўзгартиради? 2020 йил 17 апрель. <http://hudud24.uz/advokatura-sohasi>

<sup>1</sup> Гражданский процессуальный кодекс Федеративной Республики Германии. <http://context.reverso.net>

<sup>2</sup> Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации // <http://www.consultant.ru>; Гражданский процессуальный кодекс Республики Азербайджан // <http://cld.privatelaw.ru>